

Сўфий - табиб шайх Нурсафардий

**Таклифнома келар
қабрдан ёхуд
кафан боғичидаги
саволлар...**

Икки ўрам матоҳ билмадинг,

Ҳал қиладир сани ҳолингни.

Қўлинг очиқ кетгайдир билки,

Олиб кетмас бўлдинг молингни.

Тумонат одамлар бир сафга тизилганларидан сўнг, мулла тобутнинг қаршисида туриб, одамларга маҳзун нигоҳ ила қараб олди, сўнг, - халойиқ марҳум қандай инсон эди? - деди. Одамлар жимиб қолдилар. Халойиқ ичида сукунат чўкди. Мулла бошқа сўрамади. Тобут томонга ўгирилиб жанозани ўқиғач, одамлар тобутни кўтаришга уриндилар. Бироқ...

Тобутни жойидан қўзғата олмадилар. Халойиқ ичида саросима бошланди. Мулла аввалига бир зум сукут сақлади, сўнг одамларга қарата, шошманглар уринишларинг бефойда, - деди. Халойиқ ортга сурилди. Мулла майитнинг юзини очиб, унга чуқур нигоҳ ила қаради ва одамларга ўгирилиб, - бу марҳумнинг гуноҳи кўп экан, кафаннинг боғичини ечинглар-деди. Кимдир мулланинг айтганини бажарғач, тобутни кўтардилар.

Дунё надир? Дедим дунё ўткинчи, дунё сароб, дунё харобдир. Кимдир анда нажот истар, кимдир саодат, кимдир риёзатни қилдилар одат. Ким анда кўнгил ичра Илоҳ лаззатини топар, саодат гулшани ичра умр китобин ёпар, кимдир нафс истагини дилда уйғотар, тафаккур онгида хароба ётар, кимдир гуноҳнинг азобин тортар, кимнидир хушоматдан мансаби ортар, кимдир дўст деб дўстини сотар, кимнидир қалбида меҳр тош каби қотар. Ва шундайин гоҳи гуноҳ, гоҳи гуноҳсиз излар, ўтиб борар шиддат ила кеча - кундузлар...

Дедим, дунёси ўткинчи, дунёси сароб, дунёси харобдур. Кимдир бунда саховат излар, кимдир бунда хиёнат кўзлар, кимдир қалби ,Илоҳдан сўзлар, кимдир такаббурдан таёқ еб бўзлар, кимдир ор -номусдан қизарар юзлар ва шундайин гоҳи гуноҳ, гоҳи гуноҳсиз , шиддат билан ўтиб борар кеча - кундузлар.

Дедим, дунёси ўткинчи, дунёси сароб, дунёси харобдур. Кимдир бойлик ортидан ҳашамат қураар, кимдир жононлар ичинда айшу ишрат сураар, кимдир ишқ йўлида машаққат чекиб жавлон ураар, кимдир... Шундайин гоҳи гуноҳ, гоҳи гуноҳсиз сўзлар, шиддат билан ўтиб борар кеча - кундузлар...

Дедим, дунёси ўткинчи, дунёси саробдур, дунёси харобдур. Кимдир чаман ичра гул излар, кимдир ўзни худо билар қул излар, дунёни ҳолини кўрингизлар, гуноҳ ичра қолган ўзингиз, қайга бошлар босган изингиз, ким нимани излар, шундайин ўтиб борар кеча - кундузлар...

Дедим, дунёси ўткинчи, дунёси саробдур, дунёси харобдур. Кимдир бул харобани бўстонга айлантирар, кўнгил ичра Илоҳни достонга айлантирар, кимдир ани қонга, кимдир жонга айлантирар, кимдир иймонга, кимдир паймонга айлантирар. Кимдир армонга, кимдир дармонга айлантирар, кимдир фармонга, кимдир бир онга айлантирар ва шундоқ ўтиб борар кеча - кундузлар...

Дедим, дунё ўткинчи, дунёси саробдур, дунёси харобдур. Кимдир ҳикмат сўзлаб баён этди. Кимдир ўзни "Худо" деди, қаён кетди. Кимдир ишқ деди ишққа етди, кимдир кибр ила гуноҳ битди ва шундоқ ўтиб борар кеча - кундузлар...

Дедим, дунёси ўткинчи, дунёси саробдур, дунёси харобдур. Кимнингдир бунда қадди дол бўлди, кимдир бир гул мисол очилмай сўлди, кимнингдир машаққат ила ҳолати ҳол бўлди, кимдир тухмат ичра увол ўлди ва шундайин ўтиб борар кеча - кундузлар...

Дедим, дунё бандалари қоқ иккига бўлиндилар. Биринчи тоифа дедим, дунё ичинда машаққат ила илоҳий ишқ истаганлар, иккинчи тоифа дедим, нафсни хон билиб дунёвий лаззат излаганлар.

Илоҳий олам истаганлар риёзат қўйнида пурвиқор зикр тоғларини тебратдилар ва унинг чўққиларидаги ҳикмат музликлари эриб адашган бандаларнинг қақраб ётган кўнгил томорқаларига оби -ҳаёт сингари иймон суви бўлиб қуйилдилар.

Дунёвий лаззат излаганлар молу - дунё ортидан айшу - ишрат шаробини симирдилар ва нафс домида кўнгил бўстонини тиканзорга айлантдилар.

Дедим, дунё макрли , дунё алдамчи, ҳунаринг бўлса уни алдаб кўрчи, ман дунёни алдадим, дунё мани алдай олмади. Улким мани нафсдан иборат бўлган ҳашаматли қасрига лутфан таклиф қилди ва албатта ман унинг марҳаматини рад қилмадим. Ман унинг нафсдан иборат саройига нафсдан кечган ҳолда кириб бордим, дунё мендан ранжиди. Алданганини сизди ва яна янги режалар тузди... У менинг кўзларимга ёқиши учун бутун борлиғини намоиш қила бошлади, қошларини қорага, сочларини қирқ кокилга ўради, лабларини ранг берди, либосини алмаштирди ва атрофимда ўзини кўз - кўз қила бошлади. У чинданам гўзал эди... Мен унинг бетакрор гўзаллиги ичра макрни сезиб қолдим... Бу

гўзаллик ичра ҳаммаси муҳайё эди... У мени бағрига тортиш учун айшу ишратга лиммо - лим чимилдиққа ишора қилди. Мен шошмадим, фикр қилдим ва зикр бирла чимилдиққа ёлғиз кириб кўрдимки, унда саодат ифорлари эмас, гуноҳ тутунлари бўй таратиб турарди. Ва мен ортга қайтиб ҳеч иккиланмай дунё гўзаллигига уч талоқ қўйдим. Биз ёлғончи дунё билан шу тариқа ажрашдик. Дунё билан мени машаққат қозилари суд қилиб риёзат амирлари ажратиб юборишди. Шундан буён дунёни кўпдан буён кўрганим йўқ. Лекин дунё ҳамон мени қўмсаб соғиниб тураркан. Унга қайтишимни чин дилдан истаркан. Аммо камина унга қайтишни энди истамадим. Чунки бахтимни, саодатимни дунёдан кечганимдан сўнг топдим. Энди мен бу саодатга хиёнат қилолмайман. Мен дунёнинг айшу - ишратга тўла чимилдиғини зиндонга ўхшатдим ва бул зиндонда тафаккур ила яшамоқ қийинлигини англаган ҳолда, дунёвий зиндонда ақл билан яшагандан, озодликда тафаккур ила боқий яшамоқни афзал билдим.

Мен, бандаларнинг дунё чимилдиғида қолиб унинг гўё минг йилларга чўзилган бир нафаслик лаззатидан баҳра олаётганларини, умрларини гуноҳ моғорлари ичида чиритаётганларини кўрдим. Дунё ўз гўзаллиги ила уларни бағрига тортиб вужудларидаги қувватларини шу қадар сўрардики, кечаги ёшликлари бугун юзларида ажин изларини намоёиш қила бошларди. Улар ўзликларидан тобора йироқлашиб, нафснинг қучоғига чуқурроқ кириб борардилар. Улар ўзларини танимай қолдилар. Ўзларини англамай кимликларини билмай қолдилар ва ўзларига янги ном изладилар ва қудратларига эрк берган ҳолда, номларини Худога лойиқ билган ҳолда, ўзларини Худо деб атадилар. Дунё уларнинг кўнгил кўзларини шу қадар кўр қилиб қўйдикки, яратувчанлик бобида ўзларини танҳо билдилар. Улар кўз олдларида турган Илоҳни англамадилар. Улар дунёни кўз билан кўрдилар, кўнгил билан кўрмадилар. Ва шунинг учун ҳам дунё уларни ўз ҳусни жамоли ила макрига илинтирди. Бу макр уларнинг вужудларига лаззат бўлиб сингди ва бу лаззатнинг вужудга сингган формулалари гуноҳга айланиб бораётганини сезмадилар. Дунёвий лаззат охир - оқибат вужудни қаритди... Дунёдан лаззат излаган банда кўзгуга қараб юзларидаги ажиндан гуноҳлар изларини кўра бошлади. Бу гуноҳлар унинг юзларига шу қадар ёпишган эдики, уни ажратиб олиш учун у юзидан маҳрум бўлиши керак эди. Юз, гуноҳдан иборат бўлиб қолган эди. Дунё уни алдаганини энди сизди. Нега? Чунки дунё чиройи уни ташлаб кетди. У энди ҳеч кимга керак бўлмай қолди... Айшу - ишрат замиридаги заҳарли одатлар танада хасталиклар дарахтини экиб қўйган ва у вужудни титратиб ўз мевасини бермоқда. Қабрдан таклифнома келиб турибди ва у шундай таклифномаки борилмаса иложи йўқ. Борилмаса олиб борадилар. У, бир вақтлар ўз жамолини кўз - кўз қилган, бағрига тортган маккор ва алдамчи дунёга алам билан қаради. Маккор дунё унинг устидан кула - кула қарилик важдан титраб қолган қўлларига икки қарич кафанни тутқазди. Банданинг

жаҳли чиқди, - умр бўйи сани деб елиб югурдим, сани деб ёндим, сани деб куйдим, бойликларингни асрадим, йиғдим, сани одамларга кўз - кўз қилдим оқибат менга тутқазганинг шуми?

Дунё деди, - шундан бошқасига арзимаёсан.

Банда деди,- нега ўлишим керак?

Дунё деди, - яшашга арзимаёсан.

Банда деди, - ҳамма ўладими?

Дунё деди, - мендан йироқлар ўлмайдилар.

Банда бошига урди, - сани макрингга учдимми?

Дунё деди, - Сенга ўхшаганлар тиқилиб ётибди.

Банда йиғлади, сиқтади, кечаги жаннат бугун кўзларига жаҳаннам бўлиб кўринди. Кўнглига биринчи бор назар ташлади. Унда чириб кетган тафаккур қобирғаларини кўрди. Бечора тафаккур бандани унга озуқа беришини кута - кута оламдан ўтиб кетибди. Кўнгил барча эзгу - ниятларнинг қабристонига айланиб қолибди. Саховат, меҳр - оқибат, адолат ва ҳақиқат саройлари харобага айланиб, уни кибр ва хиёнат, зулм ва жаҳолат бадном қилибди. Банда кўнгилнинг бундай кўрқинчли саройига кириб ваҳимага тушди. Шу ҳолатда умри ўтдимми? Шу ҳолатда лаззат топдимми? Дарвоқе, қани у лаззату, айшу- ишратлар. Дақиқалар ичида йўқолган макрли дунёнинг оромбахш кечинмалари қани? Улар бир кўриндилару, йўқликқа кириб кетдилар... Кўзлар алданди, кўнгиллар алданди.

Саодат истаганлар саодат йўлида хотиржам турдилар... Илоҳнинг боқийлик лаззатига мушарраф бўлдилар... Уларнинг юзларидаги нур Илоҳнинг акси бўлиб намоён бўлганини бандалар кўра бошладилар. Қариллик исканжасидаги гуноҳкор банда ҳам буни қисман англади. Саодатли инсон кўчадан фаришта мисол ўтиб кетди. Унинг тепасидан Илоҳнинг нури ёғилиб турганини банда кўриб қолди ва дод деганча ҳовлига кирди. Ундан безор бўлган фарзандлари отанинг важоҳатидан ҳайрон бўлдилар. Тўнғичи, кичигига деди, - ҳали ўлмайдиганга ўхшайдилар... Меросни бўлиб озроқ бўлса ҳам Худо йўлида ибодат қилмайдиларми?

Кичиги отанинг олдига келди, - ота меросни келишган ҳолда бўлиб берсангиз, кейин сиз, кучингиз етса ибодат қилинг...

Ота фарзандининг ибодатга бошлаганидан кўзларида ёш айланди. Инсон ибодатни бировнинг йўриғи билан эмас, ўз ихтиёри билан қилиши керак. Демак, фарзандларининг кўнглида иймон уруғи сочилибди ёки мақсадлари бошқами?

Банда фарзандларига бойлигини тақсимлади. Ҳали ибодат қилинг, деган фарзандлар меросга келиша олмай талашиб кетдилар. Ота уларнинг олдида ожиз эди. Секин хонасига кўтарилди. Деразага тортилган қимматбаҳо пардани тортиб узди ва жойнамоз сифатида гилам устига тўшади, устига оҳиста ўтирди, калима қайтармоқчи бўлди, лекин билмади. Сукут сақлади... Кўзларидан ёш келди... Шу пайт дераза ойнасидан дунё кўринди. У ҳамон гўзал ва мафтункор эди. Лекин банда энди вужудидан куч - қувват кетгани учун унинг гўзаллигини ҳис қилолмасди. Дунё унинг устидан кулиб турарди, - қалайсан энди, макримга учиб бир қатор ҳам калимангни айтолмаяпсанми?

Банда алам устида шундай бақирдики, шу қичқириқ билан унинг жони чиқиб кетди.

Кафан боғичида гуноҳлар тугилди. Оқибат мулланинг жанозасидан сўнг, тобутдаги майитни кўтара олмадилар ва то қабргача мулланинг таклифи билан кафан боғичларини ечдилар ва тобутни кўтардилар.

Кимки дунё нафсида дунёга алданди, ҳоли шулдир ва кимки унинг макрига учмади, ўзга дунё ичинда боқийлик саодатини топди.

Алҳамдилиллаҳи роббил аъламин

So'fiy - tabib shayx Nursafardiy

**Taklifnoma kelar
qabrdan yoxud
kafan bog'ichidagi
savollar...**

***Ikki o'ram matoh bilmading,
Hal qiladir sani holingni.
Qo'ling ochiq ketgaydir bilki,
Olib ketmas bo'lding molingni.***

Tumonat odamlar bir safga tizilganlaridan so'ng, mulla tobutning qarshisida turib, odamlarga mahzun nigoh ila qarab oldi, so'ng, - xaloyiq marhum qanday inson edi? - dedi. Odamlar jimib qoldilar. Xaloyiq ichida sukunat cho'kdi. Mulla boshqa so'ramadi. Tobut tomonga o'girilib janozani o'qigach, odamlar tobutni ko'tarishga urindilar. Biroq...

Tobutni joyidan qo'zg'ata olmadilar. Xaloyiq ichida sarosima boshlandi. Mulla avvaliga bir zum sukut saqladi, so'ng odamlarga qarata, shoshmanglar urinishlaring befoyda, - dedi. Xaloyiq ortga surildi. Mulla mayitning yuzini ochib, unga chuqur nigoh ila qaradi va odamlarga o'girilib, - bu marhumning gunohi ko'p ekan, kafanning bog'ichini echinglar-dedi. Kimdir mullaning aytganini bajargach, tobutni ko'tardilar.

Dunyo nadir? Dedim dunyo o'tkinchi, dunyo sarob, dunyo xarobdir. Kimdir anda najot istar, kimdir saodat, kimdir riyozatni qildilar odat. Kim anda ko'ngil ichra Iloh lazzatini topar, saodat gulshani ichra umr kitobin yopar, kimdir nafs istagini dilda uyg'otar, tafakkur ongida xaroba yotar, kimdir gunohning azobin tortar, kimnidir xushomatdan mansabi ortar, kimdir do'st deb do'stini sotar, kimnidir qalbida mehr tosh kabi qotar. Va shundayin gohi gunoh, gohi gunohsiz izlar, o'tib borar shiddat ila kecha - qunduzlar...

Dedim, dunyosi o'tkinchi, dunyosi sarob, dunyosi xarobdur. Kimdir bunda saxovat izlar, kimdir bunda xiyonat ko'zlar, kimdir qalbi ,Ilohdan so'zlar, kimdir takabburdan tayoq eb bo'zlar, kimdir or -nomusdan qizarar yuzlar va shundayin gohi gunoh, gohi gunohsiz , shiddat bilan o'tib borar kecha - qunduzlar.

Dedim, dunyosi o'tkinchi, dunyosi sarob, dunyosi xarobdur. Kimdir boylik ortidan hashamat qurar, kimdir jononlar ichinda ayshu ishrat surar, kimdir ishq yo'lida mashaqqat chekib javlon o'rar, kimdir... Shundayin gohi gunoh, gohi gunohsiz so'zlar, shiddat bilan o'tib borar kecha - qunduzlar...

Dedim, dunyosi o'tkinchi, dunyosi sarobdur, dunyosi xarobdur. Kimdir chaman ichra gul izlar, kimdir o'zni xudo bilar qul izlar, dunyoni holini ko'ringizlar, gunoh ichra qolgan

o'zingiz, qayga boshlar bosgan izingiz, kim nimani izlar, shundayin o'tib borar kecha - qunduzlar...

Dedim, dunyosi o'tkinchi, dunyosi sarobdur, dunyosi xarobdur. Kimdir bul xarobani bo'stonga aylantirar, ko'ngil ichra Ilohni dostonga aylantirar, kimdir ani qonga, kimdir jonga aylantirar, kimdir iymonga, kimdir paymonga aylantirar. Kimdir armonga, kimdir darmonga aylantirar, kimdir farmonga, kimdir bir onga aylantirar va shundoq o'tib borar kecha - qunduzlar...

Dedim, dunyo o'tkinchi, dunyosi sarobdur, dunyosi xarobdur. Kimdir hikmat so'zlab bayon etdi. Kimdir o'zni "Xudo" dedi, qayon ketdi. Kimdir ishq dedi ishqqa etdi, kimdir kibr ila gunoh bitdi va shundoq o'tib borar kecha - qunduzlar...

Dedim, dunyosi o'tkinchi, dunyosi sarobdur, dunyosi xarobdur. Kimningdir bunda qaddi dol bo'ldi, kimdir bir gul misol ochilmay so'ldi, kimningdir mashaqqat ila holati hol bo'ldi, kimdir tuhmat ichra uvol o'ldi va shundayin o'tib borar kecha - qunduzlar...

Dedim, dunyo bandalari qoq ikkiga bo'lindilar. Birinchi toifa dedim, dunyo ichinda mashaqqat ila ilohiy ishq istaganlar, ikkinchi toifa dedim, nafsni xon bilib dunyoviy lazzat izlaganlar.

Ilohiy olam istaganlar riyozat qo'ynida purviqor zikr tog'larini tebratdilar va uning cho'qqilaridagi hikmat muzliklari erib adashgan bandalarning qaqrab yotgan ko'ngil tomorqalariga obi -hayot singari iymon suvi bo'lib quyildilar.

Dunyoviy lazzat izlaganlar molu - dunyo ortidan ayshu - ishrat sharobini simirdilar va nafs domida ko'ngil bo'stonini tikanzorga aylantirdilar.

Dedim, dunyo makrli, dunyo aldamchi, hunaring bo'lsa uni aldab ko'rchi, man dunyoni aldadim, dunyo mani alday olmadi. Ulkim mani nafsdan iborat bo'lgan hashamatli qasriga lutfan taklif qildi va albatta man uning marhamatini rad qilmadim. Man uning nafsdan iborat saroyiga nafsdan kechgan holda kirib bordim, dunyo mendan ranjidi. Aldanganini sezdi va yana yangi rejalar tuzdi... U mening ko'zlarimga yoqishi uchun butun borlig'ini namoyish qila boshladi, qoshlarini qoraga, sochlarini qirq kokilga o'radi, lablarini rang berdi, libosini almashtirdi va atrofimda o'zini ko'z - ko'z qila boshladi. U chindanam go'zal edi... Men uning betakror go'zalligi ichra makrni sezib qoldim... Bu go'zallik ichra hammasi muhayyo edi... U meni bag'riga tortish uchun ayshu ishratga limmo - lim chimildiqqa ishora qildi. Men shoshmadim, fikr qildim va zikr birla chimildiqqa yolg'iz kirib ko'rdimki, unda saodat iforlari emas, gunoh tutunlari bo'y taratib to'rardi. Va men ortga qaytib hech ikkilanmay dunyo go'zalligiga uch taloq

qo'ydim. Biz yolg'onchi dunyo bilan shu tariqa ajrashdik. Dunyo bilan meni mashaqqat qozilari sud qilib riyozat amirlari ajratib yuborishdi. Shundan buyon dunyoni ko'pdan buyon ko'rganim yo'q. Lekin dunyo hamon meni qo'rsab sog'inib turarkan. Unga qaytishimni chin dildan istarkan. Ammo kamina unga qaytishni endi istamadim. Chunki baxtimni, saodatimni dunyodan kechganimdan so'ng topdim. Endi men bu saodatga xiyonat qilolmayman. Men dunyoning ayshu - ishratga to'la chimildig'ini zindonga o'xshatdim va bul zindonda tafakkur ila yashamoq qiyinligini anglagan holda, dunyoviy zindonda aql bilan yashagandan, ozodlikda tafakkur ila boqiy yashamoqni afzal bildim.

Men, bandalarning dunyo chimildig'ida qolib uning go'yo ming yillarga cho'zilgan bir nafaslik lazzatidan bahra olayotganlarini, umrlarini gunoh mog'orlari ichida chiritayotganlarini ko'rdim. Dunyo o'z go'zalligi ila ularni bag'riga tortib vujudlaridagi quvvatlarini shu qadar so'rardiki, kechagi yoshliklari bugun yuzlarida ajin izlarini namoyish qila boshlardi. Ular o'zliklaridan tobora yiroqlashib, nafsning quchog'iga chuqurroq kirib borardilar. Ular o'zlarini tanimay qoldilar. O'zlarini anglamay kimliklarini bilmay qoldilar va o'zlariga yangi nom izladilar va qudratlariga erk bergan holda, nomlarini Xudoga loyiq bilgan holda, o'zlarini Xudo deb atadilar. Dunyo ularning ko'ngil ko'zlarini shu qadar ko'r qilib qo'ydi, yaratuvchanlik bobida o'zlarini tanho bildilar. Ular ko'z oldilarida turgan Ilohni anglamadilar. Ular dunyoni ko'z bilan ko'rdilar, ko'ngil bilan ko'rmadilar. Va shuning uchun ham dunyo ularni o'z husni jamoli ila makriga ilintirdi. Bu makr ularning vujudlariga lazzat bo'lib singdi va bu lazzatning vujudga singgan formulalari gunohga aylanib borayotganini sezmadilar. Dunyoviy lazzat oxir - oqibat vujudni qaritdi... Dunyodan lazzat izlagan banda ko'zguga qarab yuzlaridagi ajindan gunohlar izlarini ko'ra boshladi. Bu gunohlar uning yuzlariga shu qadar yopishgan ediki, uni ajratib olish uchun u yuzidan mahrum bo'lishi kerak edi. Yuz, gunohdan iborat bo'lib qolgan edi. Dunyo uni aldaganini endi sezdi. Nega? Chunki dunyo chiroyi uni tashlab ketdi. U endi hech kimga kerak bo'lmay qoldi... Ayshu - ishrat zamiridagi zaharli odatlar tanada xastaliklar daraxtini ekib qo'ygan va u vujudni titratib o'z mevasini bermoqda. Qabrdan taklifnoma kelib turibdi va u shunday taklifnomaki borilmasa iloji yo'q. Borilmasa olib boradilar. U, bir vaqtlar o'z jamolini ko'z - ko'z qilgan, bag'riga tortgan makkor va aldamchi dunyoga alam bilan qaradi. Makkor dunyo uning ustidan kula - kula qarilik vajidan titrab qolgan qo'llariga ikki qarich kafanni tutqazdi. Bandaning jahli chiqdi, - umr bo'yi sani deb elib yugurdim, sani deb yondim, sani deb kuydim, boyliklaringni asradim, yig'dim, sani odamlarga ko'z - ko'z qildim oqibat menga tutqazganing shumi?

Dunyo dedi, - shundan boshqasiga arzimaysan.

Banda dedi,- nega o'lishim kerak?

Dunyo dedi, - yashashga arzimaysan.

Banda dedi, - hamma o'ladimi?

Dunyo dedi, - mendan yiroqlar o'lmaydilar.

Banda boshiga urdi, - sani makringga uchdimmi?

Dunyo dedi, - Senga o'xshaganlar tiqilib yotibdi.

Banda yig'ladi, siqtadi, kechagi jannat bugun ko'zlariga jahannam bo'lib ko'rindi. Ko'ngliga birinchi bor nazar tashladi. Unda chirib ketgan tafakkur qobirg'alarini ko'rdi. Bechora tafakkur bandani unga ozuqa berishini kuta - kuta olamdan o'tib ketibdi. Ko'ngil barcha ezgu - niyatlarning qabristoniga aylanib qolibdi. Saxovat, mehr - oqibat, adolat va haqiqat saroylari xarobaga aylanib, uni kibr va xiyonat, zulm va jaholat badnom qilibdi. Banda ko'ngilning bunday qo'rqinchli saroyiga kirib vahimaga tushdi. Shu holatda umri o'tdimi? Shu holatda lazzat topdimi? Darvoqe, qani u lazzatu, ayshu-ishratlar. Daqiqalar ichida yo'qolgan makrli dunyoning orombaxsh kechinmalari qani? Ular bir ko'rindilaru, yo'qliqqa kirib ketdilar... Ko'zlar aldandi, ko'ngillar aldandi.

Saodat istaganlar saodat yo'lida xotirjam turdilar... Ilohning boqiylik lazzatiga musharraf bo'ldilar... Ularning yuzlaridagi nur Ilohning aksi bo'lib namoyon bo'lganini bandalar ko'ra boshladilar. Qarilik iskanjasidagi gunohkor banda ham buni qisman angladi. Saodatli inson ko'chadan farishta misol o'tib ketdi. Uning tepasidan Ilohning nuri yog'ilib turganini banda ko'rib qoldi va dod deganicha hovliga qirdi. Undan bezor bo'lgan farzandlari otaning vajohatidan hayron bo'ldilar. To'ng'ichi, kichigiga dedi, - hali o'lmaydiganga o'xshaydilar... Merosni bo'lib ozroq bo'lsa ham Xudo yo'lida ibodat qilmaydilar mi?

Kichigi otaning oldiga keldi, - ota merosni kelishgan holda bo'lib bersangiz, keyin siz, kuchingiz etsa ibodat qiling...

Ota farzandining ibodatga boshlaganidan ko'zlarida yosh aylandi. Inson ibodatni birovning yo'rig'i bilan emas, o'z ixtiyori bilan qilishi kerak. Demak, farzandlarining ko'nglida iymon urug'i sochilibdi yoki maqsadlari boshqami?

Banda farzandlariga boyligini taqsimladi. Hali ibodat qiling, degan farzandlar merosga kelisha olmay talashib ketdilar. Ota ularning oldida ojiz edi. Sekin xonasiga ko'tarildi. Derazaga tortilgan qimmatbaho pardani tortib uzdi va joynamoz sifatida gilam ustiga

to'shadi, ustiga ohista o'tirdi, kalima qaytarmoqchi bo'ldi, lekin bilmadi. Sukut saqladi... Ko'zlaridan yosh keldi... Shu payt deraza oynasidan dunyo ko'rindi. U hamon go'zal va maftunkor edi. Lekin banda endi vujudidan kuch - quvvat ketgani uchun uning go'zalligini his qilolmasdi. Dunyo uning ustidan kulib to'rardi, - qalaysan endi, makrimga uchib bir qator ham kalimangni aytolmayapsanmi?

Banda alam ustida shunday baqirdiki, shu qichqiriq bilan uning joni chiqib ketdi.

Kafan bog'ichida gunohlar tug'ildi. Oqibat mullaning janozasidan so'ng, tobutdagi mayitni ko'tara olmadilar va to qabrgacha mullaning taklifi bilan kafan bog'ichlarini echdilar va tobutni ko'tardilar.

Kimki dunyo nafsida dunyoga aldandi, holi shuldir va kimki uning makriga uchmadi, o'zga dunyo ichinda boqiylik saodatini topdi.

Alhamdilillahi robbil a'lamin

www.nursafardiyya-sufism.uz